Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 84 (7. 173) ◎ 1990 йил 13 апрель, жума Баҳоси 3 тийин

21 апрель—касаба уюшмаси шанбалиги

ТАШАББУСКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

◎ ТОШКЕНТ тажриба-механика ремонти заводи жамоаси доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишлаб шанбалик ўтказиш ташаббусига қўшилди. Шу куни 60 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга аҳд қилинди. Улар шанбаликдан тушган маблағни бошлангич, яъни корхона касаба уюшмаси фондига ўтказишади.

Шанбалик куни ҳар вақтдагидан юқорироқ меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилган ташаббускорлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Улар қаторида экскаватор таъмирлаш бўлими ишчилари ҳам бор. Шанбалик куни битта вагон ётоқхона, иккита экскаватор чўмичи, 5 минг сўмликдан ошиқ эҳтиёт қисмлар ва иккита дизель капитал ремонтдан чиқарилади, 5 минг килограмм пўлат эритмаси олинади.

Шунингдек корхона ҳовлисида кенг қўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

Д. ОБЛАЕВ.

ИЖТИМОИЙ ЭҲТИЁЖЛАРГА

◎ «ПОДЪЕМНИК» заводи ишчилари шанбалик куни пландан ташқари битта кўприк крани ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Тузилиши жиҳатдан мураккаб ва қиммат турадиган бу кўтариш мосламасини тежалган хом ашёдан тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Корхона жамоаси янги кўтариш мосламалари штабеллари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Уларга эҳтиёж катта. Шанбалик куни ана шу маҳсулот тайёрлаётган бригадалар икки смена топшириғини бажариш учун меҳнат беллашуви ташаббускори бўлдилар. Меҳнаткашлар шу куни ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини ижтимоий эҳтиёжлар учун сарф қиладилар.

Д. АЗИМОВ.

Рўзноманинг шу сонига

БАҲСЛАР ҚИЗҒИН БЎЛАДИ

Москвада Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXI съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатларимиздан бири — Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Жавоҳарлал Ҳакимов съезднинг биринчи иш куни ҳақидаги ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Съезднинг биринчи иш куни қизғин, сермазмун бўлди.

Расмий маросим: рўзнома ва иш тартибини муҳокама қилиш учун қарийб беш ярим соат вақт кетди. Биринчи навбатда қайси масалаларни, иккинчи навбатда қайси масалаларни муҳокама қилиш ҳақида жуда кўп фикрлар билдирилди.

— Ана шу масалаларнинг ҳаммасини неча кунда муҳокама қилиб «улгуришга» қарор қилинди?

— Рўзнома ва иш тартиби тасдиқланганидан сўнг биз ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Мироненконинг ҳисобот докладини тингладик.

Назаримда, унинг маърузаси жуда қизиқарли бўлди, айни вақтда анча-мунча қарама-қаршиликлар ҳам учради.

— Қарама-қаршиликлар нималарда кўзга ташланди?

— Докладда комсомол ягона ташкилот бўлиши зарур, деган фикр айтиб ўтилди, айни вақтда маърузада ВЛКСМнинг ичида ёшларнинг бошқа, социалистик йўналишдаги ташкилотларига йўл қўйиб берилиши кўриниб турарди. Менинг назаримда бу бир-бирига зид фикрлардир. Уйлайманки, худди шу масала теварагида қизғин баҳслар авж олиб кетиши керак. Ҳар ҳолда бизнинг делегация мунозарада иштирок этишга тайёр. Мазкур масала юзасидан ўз нуқтаи назаримизни биз съезддан олдин аниқлаб олганмиз. Биз ёшларнинг коммунистик ҳаракат дастурига асосланган, ғоявий жиҳатдан ягона, яхлит сиёсий ташкилот бўлган комсомол тарафдоримиз.

— Аммо, эҳтимол съезд делегатларининг бу борада бошқа фикрлари ҳам бордир?

— Албатта, масалан, комсомол съезди делегатларининг туб ҳаракат дастурларидан бири номидан иш кўраётган регионлараро гуруҳи ВЛКСМни тугатиш тарафдори.

Кеча, шунингдек съезднинг комсомол раҳбарини сайлашга тайёргарликни бошлайдиган ҳайъати ҳам сайланди. Айтмоқчи, ҳозирча ана шу ўринга 13 даъвогар рўйхатга олинган.

Е. КУЗНЕЦОВА.
(Телефон орқали).

ҚАЙТА САЙЛОВДА ФАОЛ ҚАТНАШАЙЛИК!

Ҳурматли сайловчи ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатлар сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ 15 апрель, якшанба куни баъзи сайлов округларида қайта сайлов ўтказилади. Қайта сайловда халқ депутатлигига номзод овоз беришда қатнашган сайловчилардан ярмидан кўпининг овозини олган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Қайта сайлов куни шуни назарда тутиш керакки, овоз берувчи сайлов бюллетенини яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдириб, қайси номзодга қарши овоз берса, ўша номзоднинг фамилиясини ўчириши ва ҳар бир бюллетенда фақат бир номзоднинг фамилиясини қолдириши керак. Бундай талабга риоя қилмаслик бюллетеннинг ҳақиқий эмас, деб топилишига ҳамда сайлов натижаларини аниқлаш чоғида унинг ҳисобдан чиқариб юборилишига олиб келади. Агар бюллетенда депутатликка барча номзодларнинг фамилиялари ўчирилган бўлса, бундай бюллетень ҳақиқий ҳисобланади, бунда сайловчи ҳар бир номзодга қарши овоз берган деб назарда тутилади. Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда киритилган гражданларнинг фамилиялари юзасидан овозлар ҳисобланмайди.

Тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари барча сайловчиларга мурожаат қилиб, ўзларининг гражданлик ва ижтимоий бурчини бажаришларини — қайта сайловда фаол қатнашишларини сўрайди.



◎ ТОЛМАС БИЛАКЛАР. Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор йиғувчиси Эътибор Розимова.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ИЖАРА ХОСИЯТИ

◎ Шаҳримизда яна бир корхона — «Ташавтоматика» заводи ҳам ижара усулига ўтиб ишламоқда. Шу заводнинг етакчи иқтисодчиси, режа бўлими мудири С. В. Разваляева билан суҳбат ана шу янги усул хусусида борди.

— Аввало, корхонада ижара пудрати афзалликлари ҳақида гапириб берсангиз...

—Тўғрисини айтганда, ижара пудратига ишончсизлик билан қараш ҳоллари ҳанузгача учраб турибди. Бир мисол. Январь ойида заводимиз ижара пудратига ўтмоқчи бўлганида ҳатто илғор ишчиларимизнинг баъзилари ҳам оёқ тираб туриб олишди.

Маълумки, ижара пудрати шу принцип негизига қурилган: яхши даромад қилмоқчи бўлсанг, яхши ишлашгина кифоя қилмайди, тайёрлаётган маҳсулотинг ҳам сифатли, ҳам харидоргир бўлишига эришишинг керак.

Афсуски, ижара пудратига ўтиб ишлай бошлаганимизга бир йилдан ошибдию, аммо ишчиларимиз, ҳатто баъзи етук усталаримизнинг айримлари ҳам бу илғор усул моҳиятига тушунишолмаяпти. Бунинг сабаби бор: илгари кўпчилик шу янги усулга кўчамиз, чўнтакларимизга жарақ-жарақ пул дарров келиб тушаверади, деган хаёл билан юришганди. Ҳеч кимга сир эмаски, ижара усули тўла самара бериши ўзимизга боғлиқ. Заводимиз Самарқанддаги «Электробитмаш» корхонаси ихтиёрида. Бултур шу бош корхона билан шартномага кўра 6 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланди. Бу режа 102 фоиз қилиб бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 103 фоизга кўпайди. Иш ҳақи ҳам ошди. Ижара пудратининг пировард мақсади ҳам шунда-да.

Энди соф фойдамизни бир сарҳисоб қилиб кўрайлик. Бултур ижара ҳақи учун Самарқанддаги бош корхонага 512 минг сўм, давлат бюджетига 109 минг сўм (ёки ҳар бир ишчи ва хизматчи ҳисобига 200 сўм) пул ўтказилди. Моддий сарф-харажатларга, ижтимоий сугурта ҳамда асосий жамғармалар учун 295 минг сўм ажратилди. Ана шу чиқимлардан кейин ўтган йилги қилган меҳнатимиз эвазига 2 миллион 734,9 минг сўм фойда кўрдик. Бу — бир йилги ишимиз якуни, холос. Фойдамизнинг бир миллион 674,1 минг сўмини иш ҳақи фондига сарфладик. Қолган қисмини ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари жамғармасига ўтказдик. Ишлаб чиқариш воситаларини йил сайин янгилаб, эскиларини серунум техника турлари билан алмаштирмай туриб, энг муҳими, ишчи ва хизматчиларимизга яхши ижтимоий имкониятлар яратмай туриб, ижарадан қутилган самарага эришиб бўлмайди. Ишчининг шинам турар жойи бўлса, уларнинг дам олишларини кўнгилдагидек уюштира олсак, боғча ва яслиларга муҳтожлик сезмаса, ана шундагина корхонамизда иш унумдорлиги юксалаверади. Бундан ишчининг ўзи ҳам манфаатдор.

— Шундай экан, нега энди баъзи ишчи ва усталар ижара пудратидан ноилиб юришибди?

— Ҳали айтганимдай бунинг замирида маълум ҳақиқат ётибди. Бошқарув аппаратида инженер-техник ходимларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 119 киши хизмат қилади. Баъзи ишчиларимиз, жумладан бригадир Нина Зуева, операторлардан Любовь Ячевская, Валентина Туберозова кабилар носаноат гуруҳлар ҳамда бошқарув аппаратидаги моддий бойлик яратишда қатнашмайдиган шахсларнинг сони кўплигидан ғижиниб юришибди. Очиғини айтганда, улар кўп жиҳатдан ҳақ. Аммо нарвоннинг учига бирданига чиқиб бўлмайди-ку. Ҳали бу борада кўп иш қилиш керак. Масалан, уй-жойлар қуриш ва созлаш гуруҳи 10 кишига қисқарди, ҳозир уларнинг сони 30 нафарни ташкил этади. Бунинг устига носаноатчилар ушбу йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига кўчишди. Шулардан кўриниб турибдики, штатлар сонини камайтириш борасида атиги бир йил ичида анчагина тадбирларни амалга оширдик.

— Шу жараён давом эттириладими?

— Бўлмасамчи. Биринчи участка бошлиги Сергей Кулаянц таъбири билан айтганда, ишчилар меҳнати ҳисобига хоналарда «чўт қоқиб» ўтирган аппаратчилар сони ҳали ҳам кўп. Тўғри, ўтган бир йил ичида уларнинг сони 128 тадан 119 тага туширилди. Аммо бевосита цехларда ишлаётган 375 нафар ишчи учун бу рақам виждонан айтганда, кўплик қилади. Биз келажакда бошқарув аппаратини қисқартиришни давом эттириш ниятидамиз. Агар жами етти участкадаги уста ва ҳисобчилар иши ҳам инженер-техник ҳамда ҳисобот ходимлари зиммасига юклатилса, бу билан уларни ишлаб чиқаришга тўла яқинлаштирган ва шу ҳисобга анча-мунча штат бирлигидаги ходимлардан моддий бойлик яратиш мақсадида фойдаланган бўлур эдик. Зеро, ижара пудратига кўчиб, кўпроқ даромад олишни кўзлар эканмиз, ишчилар қўяётган бу талабни босқичма-босқич амалга ошириб боришга мажбурмиз.

— Ва, ниҳоят, охирги савол: ижара пудрати ишчилар руҳиятига ҳам таъсир кўрсатяптими?

— Табиийки, ижара ишчилардан кўпчилигининг руҳиятини кескин ўзгартирди. Энг асосийси, уларда ғайрат кучайди, ташаббускорлик, меҳнатга муносабат яхшиланди. Интизом барқарор бўлиб қолди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ахир, директордан тортиб, оддий ишчигача — ҳаммамиз эндиликда маҳсулотимиз ички бозорда қасодга учраса, бу — чўнтагимизга зиён экалигини яхши биламиз-ку! Шунинг учун шиоримиз битта бўлиб қолди: харидоргир маҳсулотлар турларини кўпайтириш! Биз худди шундай қиляпмиз. Ҳозир корхонамизда 280—300 сўмдан ошириб маош олаётган ишчилар сони тобора кўпайиб боряпти. Йил ўтган сайин маошимизнинг бу кўлами 400—500 сўмга етишига аминман. Ижаранинг хосияти ҳам ана шунда!

Иқтисодчига
А. НУРИМОВ ҳамсуҳбат бўлди.

Ёдномалар

КОММУНИСТНИНГ МАНГУ УМРИ

◎ Халқига садоқатли инсон саодат топади, ҳалоллик, камтарлик ва меҳнатсеварлик унга зийнат бағишлайди. Оташин коммунист Асадулла Ашрапович Хўжаев ана шундай файзли инсон эди, бу ажойиб одам ҳаёт бўлганида айни шу баҳор кунлари етмиш ёшини нишонлар эди. Асадулла Хўжаевнинг болалик ва ёшлиги давлатимиз тикланишининг оғир йилларида ўтди. У уруш йилларн Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлаб, дастлаб Қўқон темир йўл бўлимида мастер бўлиб ишлади, партия сафига кирди. Меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноат-транспорт бўлимида инструктор, министр ўринбосари, область ва шаҳар партия комитетларида биринчи котиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва бюро аъзоси лавозимларида сидқидилдан ва садоқат билан ишлади, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ранси этиб сайланди. Содиқ коммунист халқ дарди билан яшаб, элни уй-жой билан таъминлаш, йўллар қуриш ишларида жонбозлик кўрсатди. Фарғона водийсига баланд Қурама тоғлари довонларн оша ўтган Тошкент — Ангрен — Қўқон энг яқин автомобиль йўли қурилишн шу улуғвор инсоннинг номи билан боғлиқ бўлиб қолди.

Асадулла Хўжаевнинг партия ва халқ олдидаги катта хизматларн муносиб тақдирланиб иккита Ленин орденн, иккита Меҳнат Қизил Байроқ орденн ва медаллар билан мукофотланган, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

АСАДУЛЛА Хўжаев номидаги 12-ҳунар-техника билим юрти Чилонзорда жойлашган. Ажойиб инсон номи билан аталувчи бу илм масканнда ёшларга дурадгорлик, бўёқчилик, пайвандловчи ва ганч-ўймакорлик сирлари ўргатилмоқда. Билим юрти ташкил этилгандан бери «Главташкентстрой» бошқармасининг қурилиш участкаларига 10 мингдан зиёд ёш мутахассислар етказиб берилди.

1989—90 ўқув йилидан бошлаб эса икки йиллик ўқитиш системаси йўлга қўйилди. Эндиликда ҳар бир касб бўйича ишлаб чиқариш устасидан ташқари, яна бир мутахассис иш олиб боряпти. Илгари замонавий асбоб-ускуналар фақат кўргазма сифатида қўлланилган бўлса, бугунги кунда ҳар бир ўқувчи улар билан тўлиқ таъминланган. 18 та синфдаги телевизор кабель системасига уланиб, видеомагнитофон орқали фильмлар намойиш этиляпти. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида тарих, физика, она тили ва адабиёти каби 11 фан учун алоҳида хоналар жиҳозланган. Уларда дарсдан кейин тўгарак машғулотлари олиб борилмоқда. Қисқа вақт ичида ўқувчилар томонидан ишлаб чиқариш планининг бажарилиши 2—3 фоизга ортди. Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида иштирок этган бир гуруҳ ўқувчилар кумуш медаль совриндори бўлишди. Ишлаб чиқариш таълими устаси Бахтиёр Ёқубжоновга эса 150 сўм пул мукофоти берилди.

Ана шундай ютуқлар қўлга киритилаётган билим юртида кеча Асадулла Хўжаев таваллудининг 70 йиллиги нишонланди. Йиғилганлар оташин коммунист хотирасига ўрнатилган мемориал тахта пойига гулдасталар қўйишди.



Йиғилишни Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи котиби Қ. М. Рафиқов кириш сўзи билан очди.

— Мен Асадулла Хўжаев билан бирга ишлаганман, — деди минбарга кўтарилган Толиб Содиқов. — Уша кезлари Чилонзор район партия комитетининг биринчи котиби эдим. Асадулла Ашрапович камтарин инсон, яхши дўст, меҳнатсевар партия ходими сифатида барчамизнинг ёдимизда қолган.

Йиғилишда шунингдек, Асадулла Хўжаевнинг қизи Қундузхон Хўжаева, билим юртининг директори Шоносир Муродов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Тантанада Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов иштирок этди.

Т. РАСУЛЕВ,
Ш. САЪДИЕВ.

◎ СУРАТЛАРДА: А. А. Хўжаев номидаги 12-ҳунар-техника билим юрти талабалари ҳаётидан лавҳалар.
Т. Каримов суратлари.





ОБЛАСЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи ва иккинчи котиблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда область партия ташкилотида ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг котиблари В. Г. Гришчук, Ш. Н. Маҳмудова, В. Ғ. Гордиенко ахборот билан чиқдилар.

Йиғилишда, шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг Партия қурилиши ва кадрлар иши бўлими секторн мудирининг ўринбосари Г. Т. Сташкевич нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудири П. В. Догонкин қатнашдилар.

ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

Кеча Тошкент шаҳар партия комитетининг Май байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича мафкуравий комиссияси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлди. Мажлисда район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мазкур тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий комитет раисининг ўринбосари И. О. Эшпардаев йиғилганларга 1 Май ва Ғалаба кунини байрам қилиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов сўзга чиқдилар.

Инсон ва табиат

ҒОЛИБЛАР ҚАТОРИДА

◎ Табиатни муҳофаза этиш Ўзбекистон жамияти ва уюшмаси томонидан ҳар йили «Инсон ва табиат» шиори остида ўтказиладиган республика кўригига якунлар чиқарилди.

Кўрик ғолиблари қаторида «Тошкент оқшоми» рўзномаси ҳам бор. Рўзноманинг ижодий жамоаси иккинчи мукофот ва иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● ВАРШАВА. Польша сейми депутатлари нашрлар ва томошаларни цензурадан ўтказиш тўғрисидаги қонунни ғоят якдиллик билан бекор қилдилар. Бир томондан давлат сирларини кўриқлаган, иккинчи томондан эса, депутат Юлиуш Брауннинг таъбири билан айтганда, «мўътабар номни ҳеч қандай жазодан қўрқмай булғаш имконини бериб ҳамда ор-номусни ҳимоя қилишга йўл қўймай, ёлғон гапиришга йўл очиб қўйган ва бу ёлғонни рад этишни тақиқлаган», энди эса йўқ бўлиб кетаётган давлат муассасаси тўғрисида анчагина ёмон сўзлар айтилди.

● БОННГФР Федерал канцлери Гельмут Коль бу ерда тарқатилган баёнотда ГФР пойтахтида ҳамкорлик юзасидан ўтказилган конференция якунларига юксак баҳо берди. У анжуман натижаларини «Шарқ билан Ғарб ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ишидаги катта муваффақият» сифатида таърифлаб, унинг иштирокчиларига амалий иш учун миннатдорчилик билдирди.

● БМТ. Куба ташқи ишлар министрининг ўринбосари, Кубанинг БМТдаги доимий вакили Рикардо Аларкон БМТда Американинг «ТВ — Марти» телестанцияси Кубага берилаётган телевизион кўрсатувлари ҳамон давом этаётганлигига эътиборни қаратди.

Р. Аларкон «ТВ—Марти»нинг кўрсатувларини халқаро ҳуқуқларнинг, муҳим халқаро ҳужжатларнинг кўпол равишда бузилиши деб таърифлади.

● ВАШИНГТОН. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Ванденберг базасидан илмий мақсадларга мўлжалланган учта енгил йўлдоши бўлган «Атлас — Е» ракетаси учирилди. ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, бу йўлдошлар 640 километр баландликдаги Қутб орбитасига олиб чиқилган.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА



⊙ СОВЕТ-ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА. «Совпластитал» илғор ишчиси Ирина Казанцева; йиғув цехида.
Ҳ. Солиҳов суратлари.

ЗАРУР ТАДБИРЛАР

⊙ТАБИИЙ газ оқимини узоқ манзилларга етказиб бериш кўп жиҳатдан қувурларнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Айни бир вақтда газ магистрали ўтган жойларнинг тупроқ шароитини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир.

Ўрта Осиё табиий газ илмий-текшириш ва лойиҳалаш институти мутахассислари бу масалаларни атрофлича ўрганиб, зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Бундай жиддий изланишда илмий муассаса ихтирочи ва рационализаторларнинг ҳам муносиб улушлари бор, албатта. Фаол техника ижодкорларидан И. Очилдиев билан Г. Винокурцевлар газ қувурлари емирилишининг олдини олиш билан боғлиқ янгиликни илгари сурдилар.

Бу яхши таклиф амалиётда ўзини тўла оқлади. «Ўзбектрансгаз» мутахассислари рационализаторлик ишини кенг қўллашга киришдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга қарагандэ бу ишланманы қўллаш туфайли корхона 360 минг сўмдан кўп фойда кўради.

А. АКБАРОВ.

Хориждан хабарлар

⊙ ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш унинг совет раҳбари Президент Михаил Горбачев билан яқинда бўладиган олий даражадаги учрашуви Совет — Америка муносабатларида ҳозирча сақланиб қолаётган қурол-яроғ устидан назорат муаммоларини ҳал этишга ёндашувдаги зиддиятлар ёки фарқларни тартибга солиш жараёнида «тезлатгич» бўлиб хизмат қилади, деб умид билдирди. Маъмурият бошлиғи Президент самолётда Вашингтондан Торонто (Канада)га мамлакат бош министри Брайан Малруни билан шу куни учрашиш учун учиб кетаётганида мухбирларнинг саволларига жавоб берди.

⊙ ОТТАВА. Қисқа амалий таширф билан Канадага келган АҚШ президенти Ж. Буш Торонтода бош министр Б. Малруни билан учрашди. Иккала томон расмий вакилларининг хабар қилишларича, суҳбат асосан Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, икки томонлама алоқалар хусусида борди.

Ж. Буш олий даражадаги Совет — Америка учрашувига тайёргарлик доирасидаги Ғарб давлатлари раҳбарлари билан маслаҳатлашувларни Канада ҳукумати бошлиғи билан суҳбатлашишдан бошлади. Бунда асосан Шарқий Европада юз бераётган туб ўзгартишларнинг, шунингдек, Германияни бирлаштиришнинг оқибатларини муҳокама қилиш назарда тутилмоқда.

⊙ ПРАГА. Чехословакия олий қонун чиқарувчи органларининг раҳбар идоралари — ЧСФР федерал кенгаши, Чехия миллий кенгаши ва Словакия миллий кенгаши президиумларининг сешанба куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида республика номини ўзгартириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қайта кўриб чиқилди.

Мажлис қатнашчилари, деб хабар қилади ЧТК агентлиги, давлатнинг ҳозирги номини талаффуз қилиш қийин деган фикрга келдилар ва уни ўзгартиришни тавсия қилдилар. Улар «Чехия ва Словакия Федератив Республикаси» номини кўпроқ мақбул деб ҳисобламоқдалар. Мазкур таклифни олий қонун чиқарувчи органлар комитетларининг бўлажак мажлисларида, кейин эса парламент сессиясида кўриб чиқишга қарор қилинди.

⊙ ПХЕНЬЯН. Шу кунларда Пхеньян шаҳрида «Апрель баҳори» деб аталган саккизинчи анъанавий санъат фестивали бўлаяпти. Унда давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли ҳам қатнашмоқда. Мазкур ансамблнинг юксак ижрочилик маҳорати ҳақида КХДР матбуоти ёзмоқда.

Ўзбекистондан келган санъаткорлар хореография тили билан инсоннинг гўзаллиги ва ички дунёсининг бойлиги ҳақида жонли ҳикоя қиладилар, деб таъкидлайди пойтахтда чиқадиган «Пхеньян синмун» газетаси. Ансамбль ижодида халқ куйлари ва замонавий оҳанглариинг уйғунлашиб кетиши унинг концертларига ўзига хос руҳ бағишламоқда. Меҳнат, кундалик турмуш мавзусини ҳамма бирдек чуқур тушунади. Худди шунинг учун «Олма ҳосили» рақс миниатюраси томошабинларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Ансамблнинг юксак маҳорати унинг СССРда ва СССРдан ташқарида ҳам кенг шуҳрат қозонишига олиб келди. Ўзбек артистлари ўзлари иш бошлаган қарийб ўттиз йиллик тарихлари мобайнида бутун Совет Иттифоқинигина эмас, айни вақтда жаҳоннинг 80 га яқин мамлакатига бориб келдилар. Ансамблнинг кўп ижрочилари халқ артисти ва хизмат кўрсатган артист фахрий унвонларига сазовор бўлганликлари, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати деган номни олганликлари «Баҳор»нинг жуда машҳурлигидан далолат беради.

Газета бугунги кунда коллективнинг ижодий сиймосини белгилайдиган Қаҳрамон Дадаев, Маъмура Эргашева, Хайрулла Лутфуллаев ҳақида илиқ сўзлар ёзади. Томошабинлар уларнинг чиқишларини қарсаклар билан кутиб олаётганлиги бу санъаткорларни халқ тан олганлигининг ёрқин ифодасидир. Кейинги пайтларда коллективга кўплаб янги ижрочилар келиб қўшилди.

Пойтахт «Понхва» театрида бўлаётган «Баҳор» ансамблининг концертлари жаҳоннинг олтмиш мамлакатидан бу ерга келган юздан ортиқ ижодий группалардан уч мингга яқин артистни ўз атрофига тўплаган «Апрель баҳори» фестивалида катта воқеа бўлди.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Кейинги ҳафтадан бошлаб Нью-Йорк штатида ҳайдовчилик гувоҳномаси олаётган 21 ёшга етмаган барча аҳолининг гувоҳномасига «21 ёшга етмаган» деб ёзиб қўйилади. Маъмурларнинг бу тадбири ичкиликбозликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган.

Гап шундаки, штат қонунлари 21 ёшга етмаган шахсларга спиртли ичимликлар, шу жумладан пиво сотишни ман этади. Лекин спиртли ичимлик сотиб олаётган одамнинг ёшини аниқ билиш кўпинча қийин бўлиши туфайли бу қонун тез-тез бузилиб турарди. Энди спиртли ичимликларни сотаётганлар ҳар қандай жойда ёш харидорлардан гувоҳномани кўрсатишни талаб қилишлари лозим. Спиртли ичимлик харид қилиш учун бошқаларнинг гувоҳномасидан фойдаланишга уринганларга эса 100 долларгача жарима солинади.

⊙ ЛОНДОН. «Санди таймс мэгэзин» журнали Буюк Британиядаги энг бадавлат 200 кишининг рўйхатини эълон қилди. Уларнинг умумий бойлиги 48 миллиард фунт стерлинг бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 9,4 фоизини ташкил этади.

Бу рўйхатдаги биринчи ўринда Буюк Британия қироличаси Елизавета II туради. Унинг бойлиги 6,7 миллиард фунт стерлингни ташкил этади. Ундан кейинги ўринда Вестминстер герцоги бўлиб, «Санди таймс мэгэзин» маълумотларига қараганда, унинг сармояси 4,2 миллиард фунт стерлингдан иборат.

Журналнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозир мамлакатда 11 нафар миллиардер бор.

Сармояси 50 миллион фунт стерлингдан ошадиган бадавлат кишилар рўйхатида фақат йирик компанияларнинг, банкларнинг эгалари, саноатчилар ва аслзодалар вакилларигина эмас, шу билан бирга санъат арбоблари, хонандалар ва созандалар ҳам бор. Масалан, бу рўйхатга сармояси 350 миллион фунт стерлинг деб баҳоланган «Битлз» ансамблининг собиқ аъзоси Пол Маккартни, «Роллинг стоунз» гуруҳининг солисти Мик Жэггер (75 миллион фунт стерлинг) киритилган.

Буюк Британиядаги энг бадавлат 200 кишидан 104 нафари, «Санди таймс мэгэзин»да берилган рўйхатдан кўриниб турганидек, ўз бойликларини у ёки бу тарзда мерос қилиб олганлар.

(ТАСС).

УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

⊙ ШАҲРИМИЗДАГИ картон қутилар заводида ҳар бир ишчи ҳисобига йил бошидан бери тайёрланган маҳсулот 4 минг 640 сўмни ташкил этди. Бу режада белгиланганидан 113 сўмлик кўп.

Жамоа меҳнат унумдорлигининг бу қадар ўсишига қандай эришаяпти? Аввало корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга катта эътибор берaётганлигини айтиб ўтиш керак. Жумладан, яқинда корхонанинг тара бўлимида картон қутилар бичадиган иккита автомат ускуна ўрнатилган эди. Бу меҳнат унумдорлигини анча ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди.

Озиқ-овқат саноати ва савдо нозирлиги корхоналари буюртмасига биноан 20 хилга яқин буюм тайёрлаётган жамоа ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилида 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган.

Д. МУРОДОВ.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ҲОЛИС БАҲО

Ўзбекистон Давлат территориялараро қишлоқ хўжалиги қурилишини лойиҳалаштириш институти партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар фаолиятига холис баҳо берилди. Партия ташкилотининг ўтган йилнинг сентябрь ойидан бугунги кунгача бўлган фаолияти қониқарли деб топилди.

ИЙҒИЛИШ айни белгиланган вақтида бошланди. Бу дақиқани лойиҳалаш институти коммунистлари орзиқиб кутган эдилар. Аввал цех партия ташкилотларида, партия группаларида, институт партия бюроси аъзолигига янгитдан сайланадиган коммунистларнинг номзоди кенг муҳокама қилинди. Кўпчиликнинг ишончини қозонган, шу масъулиятли вазифага муносиб кўрилган КПСС аъзоларининг рўйхати тузилди. Кейин партия бюроси котиблигига номзодлар танланди.

— Институт партия ташкилоти ҳисобот даврида мураккаб, оғир босқични бошидан кечирди, — дейди партия бюроси котиби Виталий Пантелеймонович Будков.—Жамоамизнинг айни ўзини ўзи бошқариш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида иш кўра бошлаган вақти шу даврга тўғри келди. Янги шароитда ишлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Лойиҳалаш институтимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, мустақиллигини таъминлаш учун кўп ишларни юзага чиқариш талаб этиларди. Аммо шундай бўлса ҳам биз чекинмадик. Партия ташкилотимиз оғир шароит бўлишига қарамай ташкилий-мафкуравий ишларни бўшаштирмай олиб борди. Жамоамиз фаолиятини тубдан қайта қуришда коммунистларнинг, раҳбар кадрларнинг ролини оширишга, масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Албатта, меҳнат жамоаси учун ҳозирги пайтда даставвал иқтисодий-техник кўрсаткичларнинг қай тарзда бўлиши асосий ўринни эгаллайди. Шундай экан, лойиҳалаш институтимиз партия ташкилотига бирлашган коммунистларнинг туб ўзгаришлар жараёнида юзага чиқарган ишларини таъкидламай бўлмайди. Лойиҳалаш ишларининг сифати бирмунча ортди. Олдинги даврга нисбатан ишга ижодий ёндошиш анча кучайди. Бунинг эвазига биз ўтган йилги планни ортиғи билан адо этишга, белгиланганидан кўпроқ фойда олишга эришдик. Бошқа иқтисодий-техник кўрсаткичларда ҳам ўсиш суръатлари кўзга ташланади. Бу албатта ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Жамоамизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ҳамма бирдек ҳаракат қилаётганлиги, куч-ғайрат сарфлаётганлиги туфайли ишларимиз юришмоқда.

Лойиҳалаш институти партия ташкилоти жамоа ҳаётининг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари кучайтирилди. Бироқ, баъзи бир коммунистларда юзага келган бўшашувчанлик бу ишларга соя солди. Бунга айрим мутахассис коммунистларнинг ўз ишларидан ортмай партия топшириқларини бажаришга кам вақт топганликлари сабабчи бўлди. Агар кадрларни тайёрлаш, ёшлар билан ишлаш ва уларни партия сафига қабул қилиш масалалари ўз вақтида атрофлича ҳал этилганида эди, мазкур муаммога ўрин қолмаган бўлар эди.

Институт партия комитетига саккизта цех партия ташкилоти ва 4 та партия группаси бирлашган. Улардаги жами коммунистларнинг сони 73 кишини ташкил этади. Яқинда яна бир ишчи ўз хоҳишига кўра партия ташкилотида КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилинди. Жами коммунистларнинг ўртача ёши ҳозир 53 ёшни ташкил этади. Нега? Ахир бир пайтлар ўзини КПСС сафида бўлишга муносиб кўрган мутахассислар кам эмас эдику. У ҳолда нега партия ташкилоти ҳисобида турганларнинг сони ёшлар ҳисобига бойиб бормаяпти. Бунинг туб илдизлари партияга қабул қилишдаги аввалги сийқа усулга бориб тақалади. Яқин йилларгача институт мутахассисларини КПСС сафига тортишга ўгай кўз билан қаралди. Улардаги интилиш билан қизиқилмади. Райком талабларига жавоб бермаслиги туфайли не-не фаол ёшлар, мутахассислар, лойиҳачиларнинг партияга қабул қилишларини сўраб ёзган аризаси инобатга олинмай қолиб кетди.

Бунинг эвазига ҳозир 30 ёшгача бўлган коммунистлар партия ташкилотида атиги 9 кишини ташкил этади, холос.

— 1970 йилда лойиҳалаш институтига ишга келганимда партия ташкилотининг иши олдингги ишлаган жойимдагидан анча кучли эканлигини фарқ қилган эдим, — дейди бўлим бошлиғи Абдураҳим Иброҳимов. — Кейинги бир ярим йил ичида аксинча бўлди. Партия ташкилоти фаолиятида бўшашувчанлик сезила бошланди. Бунга аввало ўзимиз айбдормиз. Ўз вақтида ҳар биримиз ташаббусни қўлга олиб, фаоллик кўрсатганимизда эди ҳозирги эътирозларга ўрин қолмасди. Партия бюроси котиблигига узлуксиз 10 йил бир одамни сайлаш унинг иш қобилиятини анча толиқтириб қўйиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу билан партия ташкилотимиз фаолиятини сусайтирмоқчи эмасман. Партия бюроси аъзолари ёмон ишлашмади.

Институт жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалиги қурилишини комплекс лойиҳалаш бўйича иш олиб боради. Ҳозирги кунда айрим вилоятларда унинг филиаллари ишлаб турибди. Тошкентдаги бош институтнинг ўзида 800 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Аммо уларнинг атиги 10 фоизга яқинини КПСС аъзолари ташкил этиши партия ташкилотининг навқиронлашиб қолганлигидан далолат бермасмикан?

Ийғилишда сўзга чиққанларнинг кўпчилиги ана шу ҳақда куюниб гапирдилар. Партия ташкилоти фаолиятидаги баъзи бир камчилик ва муаммоларни очиб ташлашди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини муҳокама қилдилар. КПСС Уставига баъзи бир таклифлар киритишни ўртага ташладилар.

— КПСС сафига қабул қилишда янгича услуб қарор топди, — деди лойиҳалаш институти бош мутахассиси Жамшид Мирзамуҳамедов. — Бу янгиликни қизғин қўллаб-қувватлаш керак. Партия ташкилоти партияга қабул қилишни энди райкомнинг рухсатисиз ҳам бемалол ҳал этолади. Аммо партия бюджетида ҳеч қандай ўзгаришнинг йўқлигига бефарқ қараб бўлмайди. Аъзолик бадалига тўлов шу пайтгача умумий кўрилган даромадга қараб белгилаб келинмоқда. Шунинг ўрнига ҳаммага бир хил миқдорда белгилаш яхши иш бермасмикан. Қолаверса сафимизда 20 дан зиёд пенсионерлар бор. Улар ҳозир партия ташкилотимиз ҳисобида туриш билан биргаликда кексалик гаштини суришмоқда. Менимча уларни аъзолик бадали тўлашдан озод қилиш вақти етди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Иш билан бандлик

Бугунги ўқувчи—эртага тикувчи

БУГУНГИ кунда ишчи ўринбосарлари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳримиздаги ўнлаб корхоналарда ишчи кучи етишмаслиги, кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг эса ишсиз юрганликлари бугунги куннинг муаммоларидан.

Тикувчилик касби асосан аёлларнинг касби. Бугун бизнинг билим юртимиз кўплаб ишчилар тайёрлаш, ишсизликка барҳам бериш ишига муносиб ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 22-ўрта ҳунар-техника билим юрти Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига ёш ишчиларни тайёрлайди. Бирлашма жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган корхоналаридан. Сўнгги пайтларда у маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширяпти. Хўжалик ҳисобида иш юритаётган корхонада ишчиларнинг план-топшириқларини бажаришга бўлган масъулияти ниҳоятда ошиб бормоқда. Бундай муносабат бизнинг ёшларимиз учун ҳам катта мактаб бўляпти. Бугун ишлаб чиқариш участкаларида ўнлаб ўқувчилар ишчилардан касб ўрганишяпти. Билим юртида 8 ва 10-синфни тугатганлар учун алоҳида машғулотлар ўтказилади. Қизлар асосан моторчи-тикувчи касбини эгаллашлари зарур. Бу эса ҳар бир жараённи алоҳида-алоҳида бажариш демакдир. Агар бир ўқувчи кўйлакнинг енгини тикса, иккинчиси туғма қадайди. Иш жараёнлари узлуксиз давом этади. Лекин уларнинг бирортасида сифатсизликка йўл қўйилса, буюртмачилар бундан норози бўлишлари, маҳсулотга эътирозлар кўпайиши мумкин. Шунга кўра биз мустақил фаолият кўрсатаётган ишчиларнинг тажрибасига таянамиз. Ёшларимиз меҳнат жамоасида тарбияланишлари, мустақил одимларини шу ерда ташлашлари керак. Уларнинг корхонада қолиб ишлашларига шу ердаги вазият таъсир кўрсатади. Агар ишчилар синфи вакиллари, мастер ва цех бошлиқлари очиқ кўнгиллик ва алоҳида эътибор билан қарши олсалар, ширин сўзлари ва талабчанликни аямасалар ўқувчилар ўз имкониятлари даражасида ишлашлари табиий. Лекин сўнгги пайтларда талабаларнинг ўқув муддатини камайтириш, биргина тикувчи бўлиш учун 2—3 йиллаб ўқиш шартми деган гапларни эшитяпмиз. Менинг фикримча ўқувчилар ана шу белгиланган муддатда ўқишлари шарт. Шунда тикувчиликни балки қисқа муддатда ўзлаштириб олиш мумкиндир. Лекин ҳунар билим юртлари ёшларга касб ўргатиш билангина чегараланиб қолмайдику! Улар мактабдаги тенгдошлари сингари барча фанлардан ҳам хабардор бўлишлари, бошқа дарсларни мукаммал ўзлаштиришлари зарур. Шунинг учун ҳам мен ниҳоятда қисқа фурсатда ишчи тайёрлаш мумкин деган фикрларга қўшила олмайман. Албатта, билим юрти ўқитувчилари, ишлаб чиқариш мастерлари уларнинг келгусида ҳақиқий ишчи бўлиб етишишларини истайдилар. Лекин бизнинг талабаларимиз ўқишни тугатганларидан кейин корхонада кўп ушланиб қолмаяптилар. Албатта ҳамма битирувчилар ҳақида ҳам бу гапни айтиб бўлмайди. Бугун кўп йиллардан бери меҳнатни эъзозлаб келаётган тикувчилар орасида бизнинг собиқ ўқувчиларимиз жуда кўп. Лекин барибир бу ишимизни оқламайди. Ҳозир ҳунар билим юрти ўқувчиларига алоҳида эътибор зарур. Бугунги ёшлар ўзларининг йигирма йил олдинги тенгдошларидан батамом фарқ қиладилар. Улар ширин сўзнинг гадоси. Шундай экан цехларга келган ўқувчиларга ҳамма корхоналар ҳам алоҳида эътибор берсалар, иш ўргатсалар, касбга муҳаббат уйғотсалар. Бугун бирлашма қошидаги билим юртида бир талай муаммолар мавжуд. Ўқувчиларга авваламбор бирлашманинг ниҳоятда тарқоқлиги халал беряпти. Ўқувчилар бир машғулотни бу ерда, жисмоний тарбияни бошқа ерда, ишлаб чиқариш практикасини ҳам ниҳоятда тарқоқ жойлашган бўлинмаларда ўташяпти. Машғулотларни бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш ҳам ниҳоятда муҳим. Қолаверса, цехлардаги меҳнат шароитлари, улар ишлаётган тикув машиналарини янгилаш, мураббийлар ҳаракати биз учун ниҳоятда муҳим. Фикримча, талабалар ўзлари мустақил иш тикишганда катталар улардан ўз маслаҳатларини аямасалар, иш шароитлари яхшиланса эртага у ўз иш жойида қолади. Шунингдек, ишчиларга берилаётган маошнинг камлиги ҳам ўқувчилар орасида кўнимсизликни келтириб чиқаряпти. Шу ўринда ҳақ тўлашни қайта кўриб чиқиш, иш практикасини ўтаётган ва шунингдек эндн мустақил фаолият кўрсатаётганларнинг маошини белгилашга ниҳоятда катта аҳамият бериш керак. Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг бир жойда қўним топиши шундагина кутилган натижани бериши мумкин. Бирлашмада бу борада талайгина тадбирлар амалга ошириляпти. Лекин бу етарли эмас. Бўлғуси кадрларга янада кўпроқ эътибор бериш, янада кўпроқ меҳнат сарф қилиш керак. Партия, касаба уюшмаси ҳамда комсомол қўмиталари ёшларни касбга тайёрлаш ишига ҳисса қўшсалар нур устига аъло нур бўларди. Шундагина «Бугунги ўқувчи эртага ишчи» шиори ўз кучини йўқотмайдиган бўлади.

М. ЮНУСОВ,
22-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори.

Ечимини кутаётган муаммолар

Таклифлар эътиборсиз қолмасин

«ИТТИФОҚ» маҳалласи ўзининг тарихий анъаналарига эга. Бу ерда турли даврларда кўплаб олимлар, ёзувчилар, шоирлар, қўйингки жамиятимизнинг фидойи инсонлари етишиб чиққан. Уларнинг аксарияти айни кунларда бўш вақтларини жамоат ишига сарфлаб, айниқса аҳоли турмуш тарзини яхшилашга катта эътибор бериб келишаяпти.

Маҳаллада 200 га яқин хонадон бўлиб, янги урф-одатлар уларга чуқур сингириб борилмоқда. Шу боис оилалар яхши турмуш кечириб, фаровонлик ошиб бораяпти. Ўтган йили маҳалла ветеранлар кенгашининг аъзолари Исоқ Исроилов, Умаржон Аҳмедов, Раҳматилла Даминов, Жамолиддин Исмоиловлар боғ яратиш ташаббуси билан чиқишган эди. Бу хайрли ишга барча ҳиссса қўшди. Айниқса Жўра Юсупов, Мираъзам Мирсолиҳов каби ғайратли йигитлар бегона ўт, тошларни тозалаб, кўчат ўтказишда бошқаларга ўрнак кўрсатишди. Маҳалла фаолларидан Турсунхўжа Эргашев эса 300 га яқин мевали кўчат ниҳолини келтириб берди. Ҳозир экилган дарахтлар яхши ривожланаяпти.

— Ўзимизга боғлиқ бўлган барча ишларни бажариб келаяпмиз, — деди С. Раҳимов районидаги «Иттифоқ» маҳалла комитетининг раиси, Тошкент политехника институти доценти Мирсолиҳ Мирзараҳимов. — Аммо жамоанинг кучи етмаётган муаммолар ҳам талайгина. Шулардан бири — сув масаласи. Бундан 30-40 йил илгари ер остига ўрнатилган қувурлар чириш даражасига келиб қолган. Устига устак, улар кичик ҳажмли бўлгани туфайли кунлар исиши билан сув келмай қолади. Келган тақдирда ҳам оз миқдорда. Бир хонадон олса, иккинчисига ўтмайди.

Атроф-муҳит нафақат бизда, балки умумиттифоқ миқёсида яхши эмаслиги барчага аён. Маҳалламиздан Кайковус ариғининг бир қисми оқиб ўтади. Аҳоли ўртасида неча бор тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай ҳамон уни булғаётган хонадонлар борлиги бизни ташвишга солаяпти. Агар тўлиб қолган ахлат қутилари ўз вақтида олиб кетилса шундай ҳол рўй бермасди.

Хонадонлардан чиқаётган чиринди ва бошқа кераксиз нарсаларни тўкишга мўлжалланган жойни тартибга келтириш учун илк қадам қўйилди. Бунда Ғаффор Халиловнинг югуриб-елишлари ўз самарасини бераяпти. Чунончи, район ободончилик бошқармаси қурувчилари томонидан унинг атрофини ўраб, пойдевор қўйиш учун жой қазилди. Лекин бир ойга яқин бўлаяптики, бу иш ҳамон ўлда-жўлдалигича ётибди. Атрофни ўраш ишлари тезлаштирилмаса, эрта-индин қазилган жой ҳам ахлат билан тўлиб кетиши табиий.

Электр қуввати ҳам ёмон аҳволда. Симёғочдаги симлар қачон тортилганини кўпчилик билмайди. Уларни янгилаш вақти аллақачон етган.

Маҳалламизда 24 нафар Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, шунингдек бир неча Қаҳрамон оналар истиқомат қилади. Лекин уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик кўнгилдагидек деб бўлмайди. Биронта маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси йўқ. Маҳалла комитетининг котиби Ҳусниддин Нуриддинов қанчалик елиб-югурмасин яхши натижага эришолмаяпти. Оддий бир мисол. Бир вақтлар ҳашар йўли билан бунёд этилган биргина озиқ-овқат дўкони бор. Ҳозир у ҳам бўлса район озиқ-овқат идорасига қарашли 15-дўконнинг шохобчасига айланган. Дўконнинг иккинчи бўлимида сут-қатиқ маҳсулотлари харид қилишни мўлжаллаган эдик. Лекин мутасадди ўртоқларга айтилган таклиф ҳамон эътиборга олинмаяпти.

Қисқаси, юқорида таъкидланган ишларни ўз кучимиз билан бажаролмаймиз. Район ижроия комитети ёрдам қўлини чўзсагина бирор натижага эришиш мумкин. Зеро, қайта қуриш ва демократия маҳаллаларга муносабатни ўзгартириш, иш услубини тубдан яхшилашни тақозо қилмоқда.

Ф. ИСАЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.



ХХР. Газ ўтказувчи ишчилар янги қувурларни ишга тушириши натижасида Ганьчжоу шаҳри чеккаларида (Цзянси вилояти) газлаштирилган хонадонларнинг сони мингтага етади. Мазкур тадбир ёқилғининг нисбатан арзон ва экологик зарарсиз турига ўтиш режалари доирасига киради.
СУРАТДА: Ганьчжоу шаҳри чеккаларидаги кўпгина хонадонларда газда овқат пиширши одат бўлиб бораяпти.
Синьхуа—ТАСС сурати.


«Оқшом»га хатлар

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

⊙ МАНА, ўттиз уч йилдирки, меҳнат ветерани, коммунист Мўътабар Нўъмонова бир касбда, бир қорхонада ҳар баҳорни меҳнатда муносиб кутиб оляпти.

— Хом ашёлардан унумли, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш эвазига ишимиз баракали бўлмоқда. Бригадамиз биринчи кварталда давлатга 263 минг ўрнига 305 минг сўмлик маҳсулот топшириб, режани анча зиёдаси билан бажаришга муваффақ бўлди, — дейди у мамнунлик билан.

М. Нўъмонова меҳрибон устоздир. Моҳир чевар ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўнга яқин шогирд тайёрлади.

— Шу биргина дўппи тайёр ҳолга келгунча йигирма икки хил жараёндан ўтишини ҳамма ҳам билавермаса керак, — дейди у. — Дўппини йигирма икки аёл қўлидан ўтказади. Мақсад — сифатли чиқариш!

Моҳир чевар ўзи билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўпчилигига иш ўргатган. Муқаддас Исматуллаева, Мақсуда Ёқубова, Мастура Раҳмонова, Наима Қўчқорова, Барно Зуфарова ва Машкура Темуровалар бугун ундан миннатдор.

Улар ишлаб чиқараётган дўппиларнинг хили кўп. Ироқи, сидирға, кўк, башорат, безаклари машинада туширилган тури, чуст дўппи, нозик гулли дўппи... Бугунги кунда қизи Муфаззал ҳам она изидан бориб, «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчи бўлиб ишлаяпти.

Ҳ. МИРСАЛИМОВА.

ҚИЁ БОҚИШСА

⊙ ТОШКЕНТ шаҳри йилдан йилга обод бўлиб, тобора гўзаллашиб бормоқда. Чет элдан келган меҳмонларнинг шаҳримиз ҳуснига тасаннолар айтиши, шубҳасиз. Бундан қувонмай бўлмайди албатта. Аммо баъзи йўллардан ўтиб қолсангиз унинг ўнқир-чўнқирлигидан дилингиз ранжийди. Қолаверса, икки томондаги эски уйлар унинг кўркига соя солиб туради. Жумладан, Навоий ва Энгельс кўчаларида шундай ҳолни кузатиш мумкин. Бу кўча четидаги уйларнинг қурилганига кўп йиллар бўлган. Кўпида одамлар яшамайди. Айримлари қаровсизликдан вайрона ҳолига келган. Шундай шароитда бу хароба уйларни бузиб янгисини қуриш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Навоий кўчасининг икки ёнидаги юриш йўлаклари 15—20 йилдан буён ремонт қилинмагани учун ҳозир ундаги кўпгина бетон плиталар кўчиб ётибди. Пиёда юрган киши хаёл билан бўлиб қоқилиб йиқилиши, шубҳасиз.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси раҳбарлари Навоий кўчасининг бош томонига, шу атрофдаги йўлкаларга бир қиё боқсалар яхши бўлар эди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

ЁРДАМ ЎРНИГА ВАЪДА

⊙ МЕН Сергели районидаги «Сергели — 4» даҳасидаги 17-уйнинг 120-хонадонида истиқомат қиламан. Бу ерда ҳозир энг камёб нарса сув бўлиб қолди. Ишдан ҳориб келиб, ювинмоқчи бўлиб ваннага кирсанг, жўмракдан томчилаб иссиқ ёки совуқ сув тушади. Биз 1982 йилда шу уйга кўчиб келган эдик. 1988 йилгача қишда ҳам, ёзда ҳам сув танқислигини билмадик. Энди эса нафақат ёзда, балки қишда ҳам 4 ва 5-қаватларда сувнинг бўлиши амри-маҳол бўлиб қолди. 19[illegible] йилнинг сентябрь ойидан ҳозирги вақтгача совуқ ва иссиқ сув бир меъёрда бўлмаяпти. Ҳозирдан аҳвол шундай бўлса, ёзнинг жазирама кунларида сув қидириб қаерларга борамиз.

«Сергели—4» даҳасидаги 3-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига қатнайвериб, пойабзалларимиз сийқаланиб кетди. Ҳар гал бошқарма ходимларидан сув босими кам деган бир хил жавобчи эшитамиз. Агар босим кам бўлса нега энди 1988 йилгача сув доим бир хилда бўлиб турди? Шу савол ажаблантиради одамни. Буниси ҳам камлик қилганидек, 1986 йилдан бери ёғингарчиликлар бошланиши билан томимиздан чакка ўтиб ётибди. Бу ҳақда 2-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига ҳар йили бир неча бор ёрдам сўраб мурожаат қилиб келмоқдамиз. Улар томни тузатиб беришга ваъда бериб келишмоқда, аммо ваъда амалга ошмаяпти. Бунга қачон чек қўйилади?

Д. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
«Сергели—4» даҳаси, 17-уй, 120-хонадон соҳиби.

БИР ТИЙИН ҲАМ ПУЛ

⊙ САВДО соҳасида кўпинча келишмовчиликлар, шикоятбозлик ва яна бошқачароқ қилиб айтганда, харидорларнинг ҳақидан ўмариб қолиш ҳоллари учраб туради.

Бир неча йиллардан бери кишиларни қийнаб келаётган бир тийин устидаги масала гоҳ у томонга, албатта кўпинча сотувчи томонга, гоҳ бу томонга ўтиб кетиб, жанжалларга сабаб бўлади.

Мисол қилиб олганда, бир буханка нон 24 тийин. 25 тийин берсангиз бир тийинни ҳеч қачон қайтиб ололмайсиз. Ҳар сафар бир тийин учун уришиб, асаб бузишга арзимайди деб ўйлаймизда, яхшиси шу бир тийинни сўрамасдан ўтиб кетамиз. Нарироқ бориб нега у тийинни уриб қолганлиги ҳақида алам билан сўзлашиб юрамиз. Ана шундай тийиндан иккитаси чўнтагингда доимо бўлса, телефон автоматидан қўнғироқ қилиб фойдаланишга ярайди. Одамлар ҳам хўп қизиқда, тийинни сўраб олгунча яхшиси яхлитини майдалаб, кўнглини хотиржамлайди. Масалани янаям ойдинлаштириш учун бир-иккита мисоллар келтирмоқчиман. Булочка 9 тийин. Қора чой 38 тийин ёки 48 тийин. Сигарет 14 тийин. Бундай рақамларни яна керагича давом эттириш мумкин. Биз ўз ҳаётимизни бошқаришдан ташқари, келажак авлод ҳаёти учун ҳам жавобгармиз. Анча йиллардан буён ҳал бўлмай келаётган ана шундай оддий муаммоларни ҳал қилиш учун таклиф киритмоқчи эдим. Завод ва фабрикалар ностандарт нархда молларни чиқариб сотаверсинлар. Етишмаган тийинни сотувчилар қўшиб сотишсин ва ўтказилган бир тийиндан йиғилган пуллар етимхоналарга ўтказилса, жуда бўлмаганда кундалик тушган пуллар ўтказилса ҳам, ҳаётимиз янада яхшиланиб боради.

Бир тийин ҳам пул. Бу пул сотувчи киссасига эмас, аксинча давлат ҳиссасига ўтишини истар эдик.

Ш. УМАРОВ.

ҲИНД ЧОЙИ БОРМИ?

⊙ «ТОШКЕНТ оқшоми» саҳифаларида олиб-сотарларнинг кўпайиб бораётганлиги ва уларга нисбатан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги мақолаларни ҳамма қизиқиб ўқийди. Ҳақиқатан ҳам бугунги куннинг муҳим муаммоси хусусида ташвиш билан ёзилади. Лекин юзага келаётган ҳодисага ким сабабчи? Авваламбор ўзимиз, қолаверса, ички ишлар вакилларининг халқ билан ҳамкорликда иш тутмаётганлиги сабаб бўлса керак. Ён-атрофдагиларнинг ўзларига нисбатан бефарқлигини кўрган чайқовчилар бемалол ишларини «гуллатиб» юраверадилар. Кийим-кечакларнинг яхшисини фақат чайқовчилардан қимматбаҳо нархларда харид қилиш мумкин, холос. Уларни қўяверинг, ахир озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам қиммат нархларда улардан сотиб олинаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Биргина ҳинд чойини олайлик. Ўзбек халқи чойни кўп истеъмол қилади. Ўзимизнинг баъзи чойларни ичганингизда унинг ниҳоятда таъмсизлигидан ижирғаниб кетасиз. Шунинг учун бўлса керак, ҳамма ҳинд чойига ёпишади. Ҳозир аёлларимиз бундай чойнинг килосини 17 сўмдан топишса хурсандчиликларини ҳеч кимдан яширолмайдилар. Керак бўлганидан кейин кўпчилик мажбур бўлиб шу нархларга олади-да. Лекин магазинда бирор одам шу чойни давлат нархларида харид қилолмайди. Ахир чайқовчиларнинг шахсий чой фабрикаси бўлмаса керак? Улар халққа сотилиши керак бўлган маҳсулотни қайси йўл билан бўлса-да топишиб, қиммат нархларда сотишади. Савдо ходимлари пештахтанинг тагидан уларга устама нархлар билан ўшандай қаллобларга сотишганидан кейин оддий халқ нима ҳам қилсин? Шаҳарда ҳам бир нави, лекин қишлоқлардаги одамлар бундай чойларни умуман топа олмайдилар. Демак чайқовчиликка нуқта қўйиш керак! Қачонгача улар халқнинг нонини яримта қилаверадилар? Агар бу ишга ҳамма бирдек киришмас экан, ҳеч қандай натижага эришолмаймиз.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
Тошкент вилояти, Оржоникидзе райони.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ДЎКОНДА БЎЛМАГАЧ — БОЗОРГА...»

Ана шу сарлавҳа остидаги танқидий мақолада Собир Раҳимов районидаги олий ўқув юртлари шаҳарчасида бор-йўғи биттагина мева-сабзавот магазини мавжудлиги, у ҳам кўпинча ҳувиллаб ётиши айтилган эди.

Шу муносабат билан Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси Н. Раҳимбердиев ўз жавоб хатида қуйидагиларни маълум қилади:

— «Дўконда бўлмагач — бозорга...» мақоласи Собир Раҳимов Совети ижроия комитети ва савдо корхоналари вакиллари томонидан ўрганиб чиқилди. Шуни маълум қиламизки, Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 31-магазин мудири И. Мирзаёқубов огоҳлантирилди. Ҳозир озиқ-овқат маҳсулотларининг харидорларга етарли ва сифатли сотилиши назорат остига олинган.

Мева ва сабзавот улгуржи-чакана савдо корхонаси ҳам Талабалар шаҳарчасида жойлашган бу магазин ишини яхшилаш тадбирларини кўряпти».

«СУВСИРАГАН ЖЎМРАКЛАР», «БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 3 январь сонида «Сувсираган жўмраклар» сарлавҳаси остида ва 18 январь сонида «Бор отангга, бор онангга» сарлавҳаси билан танқидий мақолалар эълон қилинган эди. Бу иккала мақолада эски шаҳар даҳасидаги янги қурилишлар муносабати билан аҳолига ичимлик суви етказиб бериш борасидаги айрим нуқсонлар тилга олинган эди.

Редакция ушбу мақолалар юзасидан «Водоканал» трести бошқарувчиси З. Солихўжаев имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

— «Водоканал» трести «Сувсираган жўмраклар» ва «Бор отангга, бор онангга» мақолаларини кўриб чиқди. Ҳақиқатан ҳам «Гулбозор» маҳалласидаги Уйғур кўчасида истиқомат қилаётган аҳолини сув билан таъминловчи водопровод қувури метронинг «Чорсу» станцияси қурилиши доирасига тушиб қолгани туфайли метросоз қурувчилар томонидан шаҳар водопровод тармоғидан узиб қўйилган эди.

«Водоканал» трести, водопровод тармоқлари бошқармасига қарашли созлаш ва тиклаш хизматчилари водопровод қувурини алмаштириб беришди. Айни вақтда «Гулбозор» маҳалла комитети Уйғур кўчаси аҳолиси номидан «Водоканал» трестига эътирозлар йўқлиги ҳақида ахборот берди. Маҳалла комитети номидан шу нарса айтиладики, Уйғур кўчасидаги 1—39-уйларнинг рўпарасида метро қурилгани туфайли водопровод 2—2,5 ой чамаси узиб қўйилган эди. Ҳозир бу ерда сув таъминоти яхши».

Газетхон илтимосига кўра

Комсомол кўлини кимлар қурган?



⊙ ПАСТДАГИ СУРАТЛАРДА: Комсомол кўли қурилиши лаҳзалари. (Сурат бундан 50 йил муқаддам олинган).

⊙ Ҳурматли редакция! Бешёғоч даҳасидаги Комсомол кўли қурилиши ҳақида эшитганмизу, лекин унинг тарихини яхши билмаймиз. Кўл кимлар томонидан ва қандай қурилгани ҳақида маълумот беришингизни истардик.

Холмат ЁҚУБОВ,
Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

«ЛЕНИН комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғи шу кунларда тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг севимли оромгоҳига айланган. Ажойиб, хушманзара боғда ташкил этилаётган сайиллар, аския ва лапар кечалари, шоир Ғафур Ғулом пойқадами етган «Хумор» чойхонасидаги дилкаш суҳбатлар барчага манзур бўлмоқда. Бундай ўзгаришлардан кўпчилик қатори Жўра ака Хоназаров ҳам мамнун бўлиб қўяди. У киши ҳозир жумҳурият ўқув-машқлари Марказининг директори. Истироҳат боғи бунёд этилаётган пайтда эса... Келинг, бу ҳақда яхшиси ўзларидан эшитақолайлик.

— Ўша дамларда Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаганман, — деди Жўра ака хотираларини ёдга олар экан. — Шу билан бирга комсомол кўли қурилишида ёшлар бўйича штаб бошлиғи эдим. Агар бирор нарса қизиқтирса марҳамат, сўрайверинг.

— Комсомол кўлини қуриш ғояси қандай пайдо бўлган?

— Тасодифан эмас, албатта. 30-йилларнинг охирида Тошкент аҳолиси, айниқса, ёшларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришига тузукроқ жой йўқ эди. Шуни эътиборга олиб, шаҳар комсомол комитети йирик маданий марказ бунёд этиш ташаббуси билан чиқди. Бу хайрли ишни юқори идоралар ва меҳнат жамоалари қўллаб-қувватладилар. Шундан сўнг 1939 йил, апрель ойида қурилиш бошланиб кетди.

— Жой учун нега айнан Бешёғоч даҳаси танланган?

— Чунки Бешёғоч шаҳарнинг ўртасида, ҳамма томондан одамлар бемалол келаверади. Бошқа жиҳатдан бу жойда уйлар зич бўлмаганлиги туфайли қурилиш олиб боришга қулай эди. Лойиҳада кўл 9 гектар майдонни эгаллаши, сиғими эса 400 минг куб метр бўлиши кўрсатилган. Четининг чуқурлиги 2,75 метр, ўртага борган сари чуқурлашиб, энг марказда 7 метрни ташкил этади. Қурилиш бош инженери Михаил Николаевич Дудин барча ишлар аниқ лойиҳа бўйича боришига катта эътибор берди.

— Иншоот ҳашар йўли билан қурилган экан...

— Халқимизнинг уюшқоқлиги-ю, бир-бирига меҳр-мурувватини ана шунда кўрганман. Дастлаб, комсомол-ёшлар ўзлари ишлаётган корхоналарда мажлис қилиб, график бўйича қатнашишга келишиб олдилар. 23 апрель, яъни ташкилий куни 700 киши келди. 24 апрелда 8 минг, эртасига эса 20 мингдан ортиқ ҳашарчини кутиб олдик. Ёшлар билан бирга катталар келиб: «Бизнинг ҳам ҳиссамиз кўшилсин», — дейишарди. Ташаббусга шаҳар атрофидаги колхозлар кўшилди.

— Демак қурилишдаги халқ иштироки Фарғона каналидаги ҳашардан қолишмаган. Кимлар алоҳида жонбозлик кўрсатган эди?

— Улар жуда кўп. Санаб адоғига етиб бўлмайди. Барча бугун кечагидан яхши ишлашга ҳаракат қиларди. Айниқса ташкилотчилиги билан алоҳида ажралиб турган комсомол ходимларидан Ғофур Юсупов, Ориф Алимов, Сирож Нуриддинов, Вали Умаров, Хадича Муҳамедова, Фахмиддин Хўжаев, Зикрилла Файзуллаев, Асқар Аҳмедов, шунингдек Ортиқ Йўлдошев, Муҳиддин Исамуҳамедов, Лев Гентшке, Содиқ Ҳусаинов каби фаолларнинг номини тилга оламан.

— Ишлар юришмай қолган пайтлар ҳам бўлганми?

— Аниқ ёдимда. Зарур участкага ғишт, цемент ва тахта етмай қолди. Иншоотнинг ишга туширилиш муддати эса яқинлашиб қолган эди. 13 июнь куни Тошкент шаҳар партия ва ижроия комитетининг шошилинч йиғилиши ўтказилди. Шунда Академик театр (ҳозирги Навоий номидаги Ўзбек Давлат Катта Академик театри) ҳамда Тошкент тиббиёт институти биноси қурилишини вақтинча тўхтатиб, барча материалларни Комсомол кўлига юборишга қарор қилинган.

— Иншоотнинг очилиш маросими ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— 3 июлдаги митингга 50 мингдан ортиқ киши қатнашди. Тантанада Усмон Юсупов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари Василий Емцов, Фрунзе район комсомол комитетининг секретари Ғафур Юсупов, Тошкент қишлоқ райони комсомол комитетининг секретари Абдураҳмонхўжа Аҳмедов, «Пролетар» колхози комсомол комитетининг секретари Асқарали Умаралиев, Октябрь район комсомол комитетининг секретари Асқар Аҳмедов ва бошқалар сўзга чиқишди.

— Жўра ака, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Катта халқ ҳашарининг гувоҳи ва кекса комсомол ходими сифатида яна бир саволимга жавоб берсангиз. Ҳозирги ёшларга муносабатингиз қандай?

— Очиғи, биз бошқача эдик. Катталарнинг «Бахтни меҳнатдан топасизлар», деган сўзлари қулоғимизга ўрнашиб қолган. Мен «Пролетар» колхозида ишлаб, кечаси «рабфак»да ўқиганман. Ҳашарларга, бир-биримизникига ёрдам бериш учун кўп борганмиз. Астойдил ишлашга, теран фикрлашга ҳаракат қилардик. Ҳозирги ёшлар ўша даврдан ўрнак олишса арзийди.

Суҳбатни С. ШОДИЕВ ёзиб олди.





ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИ ЎЙЛАБ

Апрель саноат соҳасидаги мутахассисларнинг катта гуруҳи учун ўқиш ойига айланди. Москва стандартлаш ва метрология марказида маҳсулот сифатини бошқариш муаммолари юзасидан ўтказиладиган туркум амалий машғулотларнинг биринчиси бошланди. Машғулотларни профессор Г. Сегецци ўтказмоқда. У ўз ватани — Швейцарияда сифат системаларини сертификация қилиш миллий уюшмасига бошчилик қилади.

Янгиланган давлат стандарт комитети маҳсулот сифатини амалда бошқаришни такомиллаштира бориб, чет элларда бу соҳада орттирилган тажрибага мурожаат этишга қарор қилди. Яқинда Москвага Швеция машинасозлик тармоқлари уюшмасининг сифат бўйича директори Б. Хедлунд ва Швециядаги «Филипс» фирмасининг сифат бўйича уюшма бошқарувчиси Ф. Хектор келиб кетдилар. Улар кўп сонли тингловчилар ҳузурида мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юксак сифатини таъминлаш учун саноатда фойдаланилаётган энг муҳим нарсалар ҳақида гапириб беришди.

Энди совет мутахассислари профессор Г. Сегецци билан учрашдилар. У Европа 1989 йил сифат ташкилоти конференциясига «Сифат — Европа ягона халқ хўжалигида рақобат қобилиятининг кўрсаткичи» мавзусидаги докладини тақдим этди. Унинг доклади ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаларининг раҳбарларида қизиқиш уйғотди. Олим Москвада сифатни комплекс бошқаришга структура ёндашуви тўғрисида гапириб беради, тингловчилар билан амалий ўйин ўтказади. Ниҳоят меҳмон «Сифат системаларини ҳамда шу системаларга сертификатларни текшириш» мавзусида доклад қилади.

Апрель ойининг ўрталарида Америка «Женерал системз» компаниясининг президенти доктор А. Фейгенбаумнинг келиши кутилмоқда. Жаҳонга машҳур бу мутахассис саноат фирмалари буюртмалари асосида сифатни бошқариш системалари назарияси ва уни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Доктор Фейгенбаум бир қанча китобларнинг муаллифи. Шу китоблардан бири — «Маҳсулот сифатини назорат қилиш» асарини «Экономика» нашриёти рус тилида босиб чиқарди. АҚШдан келган меҳмон учта доклад қилади. Шулар қаторида «90-йилларда маҳсулотнинг реал сифатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган жаҳондаги йўналишлар» деган доклади ҳам бор.

Давлат стандартлар комитети Япониянинг Цукубе шаҳридаги дорилфунунининг ижтимоий-иқтисодий планлаштириш институти профессори С. Шибани Москвага таклиф қилди. Менежмент соҳасида ва сифатни комплекс бошқарув масалаларида йирик мутахассис ҳисобланган С. Шиба АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларига ўз маслаҳатлари билан ёрдам беради. Профессор Шиба бошқарув сифатининг етти хил замонавий усуллари асосида «Ноу-Хау» элементлари билан амалий машғулот ўтказади.

Маҳсулот сифатини бошқариш — санъат, лекин ишлаб чиқариш коллективларининг озгина қисмигина ана шу санъатни эгаллаганлар. Тармоқ ва тармоқлараро малака ошириш институтларида инженерларнинг малакасини ошириш, уларни ўқитиш мазкур соҳада янада самаралироқ ишлашга ёрдам беради. Стандартлаш, маҳсулот сифати ва метрология соҳасида раҳбар ва инженер-техник ходимлар малакасини ошириш Бутуниттифоқ институти ана шундай ўқув юртларидан биридир. Институт Москвада, унинг бўлимлари эса Ленинград, Киев ва Тошкент шаҳарларида жойлашган.

Сифат масалалари билан шуғулланувчи хорижлик машҳур олимлар ва мутахассисларнинг нутқлари мамлакатимизда сифат билан шуғулланувчи инженерлар тайёрлайдиган 14 та олий ўқув юрти ва мазкур институт фаолияти учун катта ёрдам беради. Бизнинг касбкор рўйхатлари зикр этилган маълумотномамизга ҳам яқин вақтгача бундай мутахассислик киритилмаганди. Сифат инженери дорилфунун ёки шунга ўхшаш ўқув даргоҳида фан ва техника соҳаларидан бири бўйича таълим олган мутахассис бўлиб, у шунингдек маҳсулот сифатини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш борасида ҳам қўшимча билимга эгадир.

Ёш мутахассисларни тайёрлаш эртанги кунимизни ўйлаб иш тутиш демакдир. Бугун ишлаб турган инженерлар билимини бойитиш, уларни амалий ютуқлар билан таништириш жуда муҳимдир. Уларнинг хориждаги машҳур олимлар ва мутахассислар билан учрашувлари шу мақсадда уюштирилмоқда, — деб якунлайди ўз мақоласини ТАСС мухбири В. Беляев.

Советлар мамлакатида

⊙ БЕЛГОРОД. Белгород области деҳқонлари қисқа муддат ичида 340 минг гектар ернинг барчасига эртанги донли экинларни экиб бўлдилар. Экиш агрегатларидан икки сменада фойдаланиш, ишларнинг тиғиз графиклари экиш мавсумининг пухта ташкил этилишини таъминлади. Лалмикор ерларнинг ҳаммасига олий навли уруғликлар экилди.

⊙ БАРНАУЛ. Краснодар ва Ставрополь ўлкалари, шимолий Осетия ва Чечен-Ингушетия маккажўхорикорлари олтойлик деҳқонларнинг баҳорги буюртмаларини бажардилар. Улар сибирликларга иссиқсевар ўсимликнинг сара уруғларини жўнатдилар. Бу ўсимлик Олтойда яхшигина яшил масса ҳосилинигина эмас, шу билан бирга оқ-сариқ бўлиб етилган маккажўхори сўтасини ҳам бериши керак. Бу маҳаллий чорвадорларга жуда тўйимли силос емларини тайёрлаш имконини беради.

⊙ ДНЕПРОПЕТРОВСК. Маҳаллий медицина қурилмалари заводида ногиронлар учун ғилдиракли креслолар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Янги модель илгариги намуналаридан чаққон ҳаракат қилиши, енгилроқлиги, уч баравар арзонлиги билан фарқ қилади.

⊙ ВЛАДИВОСТОК. Приморье ўлкасидаги Вольно-Надеждинск қишлоғида жойлашган янги болалар касалхонаси дастлабки беморларни қабул қилди. Даволаш маркази район партия комитетининг собиқ биносида очилди. Ўлкада Приморье аҳолиси соғлиғини сақлаш фонди ташкил этилган. КПСС ўлка комитетининг аппарати ўзининг икки кунлик иш ҳақини унинг махсус счетига ўтказди.

⊙ ХАБАРОВСК. Амударё пароходчилиги ходимлари Ростов-Дондан Узоқ Шарққа жанубий денгиз йўллари орқали «дарё—денгиз» туридаги кемалар карвонини олиб бордилар. Минтақалараро халқаро йўлларда ишлайдиган юк теплоходлари йўл-йўлакай Амурдаги аҳоли пунктларида яшовчиларга хизмат қилишга мўлжалланган «Ракета» ва «Москва» туридаги дарё йўловчи кемаларини ҳам етказиб бердилар.

⊙ ЛЕНИНГРАД. Шаҳарда тузилган амалий парапсихология уюшмаси ўз атрофига фавқулодда қобилиятга эга бўлган кишиларни бирлаштирди. Уюшма аъзолари орасида биологлар, физиклар, математиклар, кимёгарлар, соғлиқни сақлаш соҳасининг амалиётчи ходимлари бор. Уюшма аъзолари ишларининг натижалари тўғрисидаги бор ахборот маълумотлар йиғиладиган электрон қурилмада жамланади. Уни таҳлил этиш экстрасенсорика усулларидан фойдаланиш истиқболларини кенгайтиришга имкон беради.

⊙ БЕРДЯНСК. (Запорожье области). Нафас олиш йўллари хасталанган 240 нафар болани бир йўла қабул қилишга мўлжалланган «Бердянский» болалар санаторийсининг биринчи навбати ишга туширилди. Шифохона Украина меҳнаткашлари ленинча шанбаликларда ишлаб топган маблағ ҳисобига қурилди.

⊙ НОВОСИБИРСК. Академик опера ва балет театри саҳнасида балетмейстерларнинг биринчи Умумсибирь конкурси ажойиб концерт билан якунланди. Беш кун давом этган ижодий мусобақада Сибирь, Урал ва Узоқ Шарқнинг олтмишдан кўпроқ хореографлари, регионнинг кўпгина шаҳарларидан етти юздан зиёдроқ ижрочилар иштирок этдилар.

⊙ БОКУ. Озарбайжон пойтахтида турк фильмлари фестивали бошланди. Бир неча ой давом этадиган фестиваль программасидан «Варлик — фильм» Истамбул студиясининг йигирма бешта фильми ўрин олган. Студия республикага фильмларни монопол ижарага олувчи «Азеркиновидео» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шерикчилик муносабатлари ўрнатди.



⊙ ОРАСТАЛИККА НЕ ЕТСИН.
В. Миҳайлов сурат лавҳаси.

Оқшом суҳбатлари

ЁШЛИКНИНГ ҲИССИЁТЛИ ДАВРИДА

⊙ Кўп мамлакатларда йилдан йилга жинсий касалликларнинг кўпайиши, айниқса, кейинги йилларда СПИДнинг пайдо бўлиши ва жуда тез тарқалаётганн (кейинги маълумотларга қараганда 152 мамлакатда 203 мингдан ортиқ бемор аниқланган) ҳамманн ташвишга солиб қўйдн. Бу ҳунук хабарлар жинсий тарбияга алоҳида аҳамият беришни, айниқса ёшлар орасида бу масаланн кенг ўрганнш ва тўғри йўлга қўйишнн талаб қиладн.

ЖИНСИЙ тарбия, хусусан ёшларни бўлғуси оилавий ҳаётга тайёрлаш мураккаблиги билан ажралиб туради. Бу масала кенг кўламдаги ҳодисаларни ўз ичига олади, унда ҳис-туйғулар, онгга, жамият белгилаган одоб-ахлоқ нормаларига бевосита боғлиқ бўлади. Ёшларни жинсий тарбиялашда, уларга оилавий ҳаётга тўғри йўлланма беришда аввало ота-оналар, муаллимлар, кенг жамоатчилик катта жонбозлик кўрсатишлари зарур.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг, ўсмирларнинг шарм-ҳаёли, иффатли бўлиши, одамлар орасида ўзини тута билиши, хушмуомалалиги, поклиги, ҳуллас, уларда халқимизга хос ажойиб фазилатларни такомиллаштириш учун жинсий тарбияни тўғри олиб бориш жуда муҳим вазифа ҳисобланади.

Жинсий тарбия масаласи капиталистик жамиятда унчалик жиддий масала ҳисобланмайди, у ҳатто интим, яъни пинҳоний муносабатларни ҳам ҳаёсизлик билан очиб ташлайди. У ерда инсон танаси ва руҳи шармандаларча сотилади, бунинг устига иккиюзламачилик билан, уятсизларча «юксак аҳлоқ» ва «маънавийлик» ҳақида лоф урадилар. Капитал дунёси ҳозирги даврда фоҳишабозлик авж олаётганидан, ёшларнинг тобора жинсий бузуқликка берилиб кетаётганидан талвасага тушмоқда. Швецияда қизлар 15—16 ёшдан, Венада 19 фоиз қизлар 14 ёшдан, 23 фоиз қизлар 15 ёшдан ва 37 фоиз қизлар 16 ёшдан эркаклар билан жинсий алоқага берилиб кетаяптилар.

Бизнинг давримизда ёш авлод анча тез (жинсий жиҳатдан ҳам) ривожланмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги болалар бўйи олдинги тенгқурларига қарағанда тез ўсаятпи. Ҳозирги 17 яшар қизлар ва 19 яшар йигитларнинг бўйи 1940 йилдаги ўз тенгқурларига нисбатан баланд, гавда вазни, кўкрак айланаси ҳам ортиқ ва ҳоказо. Акселерация болаларнинг ақлий ривожланишига ҳам таъсир қилмоқда: ҳозирги кундаги 7—8 яшар боланинг ақли бундан 20—30 йил бурунги — улардан 5—6 ёш катта (12—14 яшар) болалар тушунган нарсаларга етмоқда.

Эркак ва аёл киши ҳар бир ёш даврида ўзига хос тозалик қоидаларини қатъий бажариши керак. Баъзи оилаларда болаларни ана шу қоидаларга ўргатишга унчалик эътибор берилмайди. Шахсий тозаликка амал қилинмаса турли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, ота-оналарнинг болалар олдида ўзларини тута олмай. бачканалик қилишлари, уларнинг одамнинг туғилиши ҳақидаги саволларига ўйламасдан нотўғри жавоб беришлари ҳам тарбияни бузади. Болалар бундай савол берганда эсанкираб қолмаслик учун унга олдиндан тайёр бўлиб туриш керак, улар саволларига тўғри жавоб олишсин.

Фарзандларни ор-номусли, ҳаёли, иффатли қилиб тарбиялаш керакки, улар турмуш қурганларида ота-оналарининг юзини ерга қаратишмасин. Ота-оналар ўз фарзандларига никоҳ муқаддас нарса эканини, фақат никоҳдан ўтиб, ўз иззат-ҳурмати билан, иффатини, номусини сақлаган ҳолда қурилган оила бахтли бўлишини тушунтиришлари лозим.

Хўш, жинсий тарбияни қандай ташкил қилиш керак? Фарзандлар жинсий тарбияси яхши бўлиши учун аввало бу борада ота-она ўрнак бўлиши керак. Улар бола олдида андишали, ҳаёли бўлишлари керак. Бола ота-онанинг бир-бирига меҳрибонлигини, ўзаро ҳурматини, меҳр-муҳаббатини кўриб, эркак билан аёл ўртасидаги муносабатнинг жиддийлигини тушунади.

Болалар балоғатга етаётганда уларнинг ҳулқи ўзгаради. Масалан, ўғил болалар қизларни менсимайдилар, кучларини кўрсатиб мақтанадилар, олифтагарчилик қиладилар ва ҳоказо. Қизлар эса бу даврда уятчан бўлиб қоладилар, ўзларига оро берадилар, бошқалар диққатини ўзларига жалб қилишга уринадилар. Усмир йигитчалар бировлар олдида ечиниш, қизлар билан аҳорларда чўмилиш уят эканини биладилар. Агар ўсмир жинсий ҳаётнинг табиий нарса эканлигини тушуниб етса, келажакда улғайиб, катта йигит бўлганида ҳаётий масалаларга тўғри жавоб топа оладиган бўлади.

Хўш, ўсмир йигитга жинсий масала ҳақида нима дейиш керак? А. С. Макаренко 17—18 яшар ёшлар билан ҳеч қандай баландпарвоз гапларсиз очиқдан-очиқ гаплашиш, уларни севишга ўргатиш керак, қизларни эса ўз қадрини билишга, аёллик ғурурига ўргатиш лозим деган эди.

Ота-оналар, шунингдек, педагоглар жинсий тарбияда катта иш олиб боришлари зарур. Шифокорлар ота-оналар ва ўқитувчилар, ўсиб келаётган авлод билан тез-тез учрашиб, жинсий тарбия юзасидан суҳбатлар ўтказишлари керак. Биология, анатомия ва физиология дарсларида ўқитувчи одам организмининг бунёд бўлиши ва ривожланиши, балоғатга етиши даври ҳақида сўзлаб бериши керак, она ҳам, шифокор ҳам қизларга нима сабабдан ҳайз кўришни, унинг аёл киши учун аҳамиятини, бу даврда озодалик қоидаларига қатъий риоя қилиш зарурлигини, таносил касалликларнинг, айниқса СПИДнинг хавфли эканлигини гапириб беришлари шарт. Қизлар ва ўғил болаларга юқумли касалликлар, уларга қарши кураш олиб бориш зарурлигини ҳам уқтириб ўтиш лозим.

Усмон МИРАҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Баҳодир МИРАҲМЕДОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини моделлаштирувчи бичиқчи (расмдан имтиҳон топширилади), тикувчилик ишлаб чиқариш оператори, эркаклар ва аёллар кийимларини тикувчи.

Таълим муддати — 11-синф маълумоти билан — 6 ой (мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида (МУПК) таълим олган ва бичиш ва тикиш курсларини тамомлаганлар); 9-синф маълумоти билан — 2—3 йил.

Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9 ва 11-синф ўқувчиларини ҳам билим юртига ўқишга таклиф қиламиз. Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга касб ўргангани ва тўлиқ ўрта маълумот олгани ҳақидаги диплом берилади.

Билим юртига 11-синфни тамомлаб ўқишга кирган ўқувчиларга таълим даврида 30 сўм стипендия берилади, 9-синфни битириб ўқишга кирганлар эса, тўла давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

Билим юртини «аъло» баҳога тамомлаганларга институт ва техникумларга кириш учун йўлланма берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти қошида тикувчилик буюмлари тайёрлаш бўйича «Эҳтиёж» ширкати ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги аттестат (гувоҳнома), паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), мактабдан характеристика.

Қуйидаги манзилда жойлашган билим юртига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 63-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефон — 35-62-41, ички телефон 2-62 (9, 18, 19, 21, 24, 26, 47, 51, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин-мавзу кўчаси, 136-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали. Телефон — 48-64-04, (10э 43, 88-автобуслар; 19, 27-трамвайларнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ун ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, ёрма ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, озуқа ем ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчиси, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь, тунукасоз, қандолатчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 11-синф маълумоти билан — 1 йил. 9-синф маълумоти билан 2 йил.

Билим юртига 9-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат, формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига 11-синф маълумоти билан қабул қилинганларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти оладилар.

Билим юрти қошида кечки ўрта мактаб ишлаб турибди. Спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва турли тўгараклар мавжуд. Четдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳол.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси, 2-Сельмаш проезди, 15-уй. (10, 16, 21, 28, 30, 48, 71, 72, 80, 111-автобусларнинг «Ташсельмаш» заводи» бекати, 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» метро станцияси» бекати).

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг
«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
озиқ-овқат моллари
контролёр-кассирларини тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА
озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

ДИҚҚАТ!

Водопровод тармоқлари ва сув шохобчаларини таъмирлаш-профилактика қилиш ҳамда уларни 1990 йилги баҳорги-ёзги мавсумга тайёрлаш муносабати билан

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

шаҳар сув тармоғи абонентларига совуқ сувнинг бўлмаслиги, шунингдек маълум жойларда сув босимининг камайишини

маълум қилади

17 АПРЕЛЬ СОАТ 23.00 ДАН 20 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ГАЧА

ЛЕНИН НОҲИЯСИ: Марказ-7 мавзеси, Лоҳутий, Т. Шевченко, Полторацкий, Сапёрлар, Госпиталь бозори атрофидаги хонадонлар;

ФРУНЗЕ НОҲИЯСИ: Шота Руставели, Глинка, Педагогика, Сапёрлар, Богдан Хмельницкий кўчасидаги уйлар ва унга уланган кўчалар, Абдуллаев мавзеси;

ЧИЛОНЗОР ВА АКМАЛ ИКРОМОВ НОҲИЯСИ: 5, 6, 7, 14, 15 кварталлар, Байнал-Минал кўчаси ва унга уланган кўчаларда

СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

ФРУНЗЕ НОҲИЯСИ: Сапёрлар, Мироқилов ва унга уланган кўчаларда, Сапёрлар, Баранова, Кафанов мавзеларида

СУВ ТЎХТАТИЛАДИ

18 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ДАН ТО 19 АПРЕЛЬ СОАТ 9.00 ГАЧА

ФРУНЗЕ НОҲИЯСИ: Шота Руставели, Фарҳод, 1-Выборгская кўчалари, шунингдек, Танеев, Шукин, Ниточная, Западная кўчаларида сув босими камаяди.

ФРУНЗЕ НОҲИЯСИ: Саломатин кўчаси ва унга туташган кўчаларда сув бўлмайди.

БУ КЎЧАЛАРГА МАШИНАДА СУВ ТАШИБ ТУРИЛАДИ

Маълумотлар учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

ЯНГИ МАГАЗИН

Чиғатой Дарвоза кўчасида «Ташгалантерейторг»нинг янги магазини очилди. **Янги 62/2-магазиннинг** упа-эликлар, атторлик ва трикотаж буюмлари билан савдо қилувчи уч бўлими бор.

Иш вақти — соат 9 дан 18.00 гача, танаффус — соат 13 дан 14 гача. Дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 38, 76, 100-автобусларнинг «Чиғатой Дарвоза» бекати.



«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ».

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Бобомурод ҲАМДАМОВнинг
30 ЙИЛЛИҚ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

хонандалар: Каримбой РАҲМОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

PROSYSTEM Computer Technic

ИНТЕР МИКРО совместное предприятие

Корхонангизни замонавий техника билан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда самарадорлиги ва тезкорлигини оширишда

СИЗГА «ИНТЕРМИКРО» СОВЕТ-АВСТРИЯ ҲАМКОРЛИК КОРХОНАСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИНМАСИ

ЁРДАМ БЕРАДИ

Филиал Ўрта Осиё жумҳуриятларига «Просистем» Австрия фирмасининг I ВМ РС типидаги шахсий компьютерлари ва шунингдек **«Склад», «Кадри», «Директив» ҳужжатларни бажаришни автоматик назорат қилиш», «Бухгалтерлик ҳисобининг комплекс вазифалари»** сингари амалий программаларга эга бўлган автоматик иш ўринларини тавсия этади. Мазкур иш программаларини ўзбек тилида фойдаланишга жорий этиш ҳам мумкин.

Шунингдек I ВМ РС негизи ҳисоблаш тармоқлари,

муҳаррият-ноширлик системаси вазифаларини бажарувчи стол босмахоналари;

кўпайтириш техникаси;

алоқа воситалари — электрон-телефон станциялари, телефакслар;

автоматик лойиҳалаштириш системаси (машинасозлик, меъморчилик ва қурилиш лойиҳалари);

микрокалькуляторлар тавсия этилади.

Олиб келинаётган техниканинг кафолатли хизмати таъминланади.

«ИНТЕРМИКРО» Совет-Австрия ҳамкорлик корхонасининг Ўрта Осиё бўлинмаси кафолат муддати тугаганидан кейин ҳам шартнома асосида инженер-техник хизмати, программ маҳсулотларни ишлаш ва кузатиш, шахсий ЭҲМларда аниқ йўналишлар бўйича ишлаш ва буюртмаларни адо этишни ўргатиш бўйича махсус машғулотлар ўтказиши мумкин.

Биз яқин кунларда иш алоқалари ўрнатиб, самарали ҳамкорлик қилишга умид боғлаймиз.

Манзилгоҳимиз: 700057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 123-уй. Телефакс: 48-66-52.

Телефонлар: 48-40-47; 48-66-57.

НАМАНГАН ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

Ишга таклиф қилади

Пойабзал модельери — 1 киши.
Пойабзал конструктори — 1 киши.
Пойабзал тайёрлаш бўйича технолог — 2 киши.
Ойлик маош — 150 сўм.
Бирлашма фабрикалари манзили:
Бош фабрика — Наманган шаҳри.
Тошбулоқ филиали — Наманган райони, Тошбулоқ қишлоғи.
Уйчи филиали — шаҳар типидаги Уйчи посёлкаси.
Косонсой филиали — Косонсой шаҳри.

Мутахассислар иш жойига етиб келишлари биланоқ уй-жой билан таъминланадилар.

Хоҳловчиларнинг қуйидаги манзилга мурожаат қилишларини сўраймиз: Наманган шаҳри, К. Симонов кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 6-13-70, 6-87-39.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!
ҲУРМАТЛИ ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ, КУЛГИ ШИНАВАНДАЛАРИ!
«ПАХТАКОР» СТАДИОНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

17 ва 20 апрель кунлари бўладиган футбол учрашувидан олдин

Сиз азизларни, бир неча дақиқа бўлсада мириқиб ҳордиқ чиқаришга, яхши кайфият билан севимли **«Пахтакор»** командамиз ўйинчиларини қўллаб-қувватлаш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Биз биринчи бўлиб стадионимизга қўқонлик аскиячилар ва қизиқчилар Йўлдошхон НОСИРОВ, Баҳодир ШОКИРОВ, Мансуржон ОХУНОВ, Мамасиддиқ ШИРАЕВ, Муҳаббатхон ТОШПЎЛАТОВА, Ғиёсиддин АБДУРАҲМОНОВларни таклиф қилишни лозим топдик.

Футбол чиптасига «ЎСАРФИЛЬМ»нинг 50 тийинлик чиптаси қўшиб сотилади.

«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

13 апрель соат 19.00 да
14 апрель соат 16, 19.00 да
15 апрель соат 12, 15 ва 18.00 да

«ЎЗБЕК ГИПНОЗЧИСИ»
Фарҳод РАЖАБОВ

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

Гипноз, мўъжизалар, Иллюзион ревю, психологик тажрибалар. Африка бўғма илонлари билан олишув, шунингдек, руҳий таъсир орқали беморларни даволаш...

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Сиз ёқтирган хонандалар, эстрада юлдузлари, замонавий РОК группалари...

(Концертда гипноз билан ухлатилган томошабинлар ўзларининг санъатини намойиш қиладилар).

Томошадан кейинги соғайиш эса гипноз таъсири натижасидир.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/IV да **Тўмарис**, 14/IV да **Фауст** (18.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IV да **Тақдир эшиги**, 14/IV да **Келинлар қўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/IV да **Кампир ютармиш**, 14/IV да **Гул ва Наврўз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13 /IV да **Драма актёрлари куйлайди** (19.00, билетлар сотилган), 14/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00).

КИНО

14, 15 АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИРАНОҚ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Восток — «САВР КОСАСИ» (12, 14, 16.00); «ОДДИЙ АМЕРИКА» (18, 20.30).

Чайка — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (11, 13, 15, 17.00); «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «АБЛАҲЛАР» (12, 14, 20.00).

К. Ёрматов номли — «СЕҲВИМЛИ РОЖА» (13.30, 16, 21.00), «ОҚ СУЯК» (11, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ДИСКО РАҚҚОСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ВИДЕО — ТОШКЕНТ»
ТОШКЕНТ ШАҲАР МАРКАЗИ

Бутуниттифоқ «ТОНИС» телекомпанияси ва комсомолнинг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги кабелли телевиденне ишини мувофиқлаштириш масалалари юзасидан

КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗАДИ

Конференция 1990 йил 15-16 апрель соат 10.00да Ҳамид Олимжон номидаги видеозал биносида ўтказилади.

Қизиққан ташкилотлар ўз вакилларини юборишлари мумкин.

Тошкент автомобиль-йўллар институти
ФИЗИКА КАФЕДРАСИ
19 АПРЕЛЬ СОАТ 16.00 ДА
мактаб ўқувчилари учун физикадан олимпиада
ўтказади

Қўнимгоҳимиз: Пролетар кўчаси, 20-уй, Б-корпуси, 5-қават, 557-хона.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10019
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.